БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 252 (16.638). | 27 октябрь 1976 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРДИ. ПЛЕНУМДА 1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ВА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАМДА СССРНИНГ 1975 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ. ПЛЕНУМ БУ ҲАҚДА ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ, ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИ.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани тўғрисидаги, СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети ҳақидаги ва СССРнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилишни 1976 йил 26 октябрда давом эттирди.

Ана шу масалалар юзасидан музокараларда КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. РОМАНОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ, КПСС Оренбург область комитетининг биринчи секретари А. В. КОВАЛЕНКО, Ростов областидаги «Золотаревский» совхози маккажўхоринкорлик звеносининг бошлиғи Р. Ф. ГОРОЖАЕВА, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғ. ҒАПУРОВ, СССР рангли металлургия министри П. Ф. ЛОМАКО, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. МОРГУН, СССР қишлоқ хўжалиги министри В. К. МЕСЯЦ, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси Г. И. МАРЧУК, В. А. МАЛИШЕВ номли Харьков транспорт машинасозлиги заводининг токари Г. Л. МИХАЙЛОВ, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. ВОСС, асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министри К. Н. РУДНЕВ сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Бу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ташкилий масалаларни қараб чиқди:

Пленум ўртоқ Я. П. РЯБОВни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Пленум В. А. КАРЛОВ, К. Н. БЕЛЯК, Ф. Т. МОРГУН ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига ўтказди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида

1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқулланиб, улар СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига тақдим этилсин.

Партия XXV съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий программани ва ташқи сиёсат йўлини амалга ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг фаолияти, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ушбу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар тўла-тўкис маъқуллансин.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, барча партия ташкилотларига 1976 йилги топшириқларнинг муваффақиятли якунланишини 1977 йилги халқ хўжалик планининг ва умуман беш йиллик планнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи зарур тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинсин. Ишлаб чиқариш коллективларининг муқобил планларини ва оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилишларига ва рўёбга чиқаришларига алоҳида эътибор берилсин. Совет ва хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг куч-ғайрати халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ҳар томонлама ошириш вазифаларини ҳал қилишга қаратилсин. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор тажрибадан кенгроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг турини ҳамда сифатини яхшилаш, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мавжуд барча резервлар ва имкониятлар ишга солинсин. Меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан рационал, тежамли фойдаланишга, капитал маблағларнинг самарадорлигини оширишга сабот билан эришилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми коммунистларни, комсомолларни, барча меҳнаткашларни ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани тағин ҳам кенг авж олдиришга ва шу тариқа Совет давлатининг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини тинмай юксалтиришга даъват этади.

КПСС Марказий ревизия комиссиясида

26 октябрда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди.

КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов шу комиссиянинг иши тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг 1977 йил учун тузилган иш плани қараб чиқилиб, тасдиқланди.

КПСС Марказий ревизия комиссияси Раисининг ўринбосари сайланди. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, «Партийная жизнь» журналининг бош редактори М. И. Халдеев КПСС Марказий ревизия комиссияси Раисининг ўринбосари қилиб сайланди. (ТАСС).

ВАТАНИМИЗ КУЧ-ҚУДРАТИНИ ОШИРАВЕРАМИЗ

Бутун совет кишилари наби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ғоят мазмундор ва ёрқин нутқини зўр қониқиш ҳамда севикли Ватанимиз билан чексиз фахрланиш ҳис-туйғуларига тўлаб-тошган ҳолда кутиб олдилар.

Республикамизнинг саноат корхоналарида, қурилишларида, колхоз ва совхозларида — ҳамма жойда амалий ишимизнинг аниқ ва равшан программаси бўлган бу ҳужжатлар зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Қуйида шу масалага бағишланган материалларни ўқийсиз.

Суратда: «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган нутқини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

СИФАТ — АСОСИЙ МАСАЛА

КПСС Марказий Комитетининг кеча ўз ишини тугаллаган октябрь Пленумида ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ажойиб нутқида маҳсулот сифатини янада оширишга катта эътибор берилди. Заводимиз коллективи кейинги йилларда пахта ҳосилини қайта ишлашда унинг аъло сифатини сақлаб қолиш учун қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошираётир. Натижада кейинги тўққиз ойнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизнинг барчаси ГОСТ талаблари асосида тайёрланиб, истеъмолчиларга жўнатилди.

Корхонамиз маҳсулотларини мамлакат тўқимачилик корхоналаридан ташқари 11 та ҳорижий давлат харид қилади. Бу нарса зиммамизга алоҳида масъулият юклаяпти.

А. ҲАЙИТОВ,
Ленинск пахта тозалаш заводининг бош инженери.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Комбинатимиз ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган ёрқин нутқи билан танишиб чиқдилар. Бу муҳим ҳужжатда ҳар бир совет кишисининг дилидаги гаплар баён қилинган. Леонид Ильичнинг: «Муваффақиятни мустаҳкамлаш учун бу йилни зарбдорларча тугаллаш керак», — деган сўзлари бизни янги маррадарга чорлаяпти. Коллективимиз аъзолари ҳозир ўз имкониятларини қайтадан кўриб, зиммаларига янги мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Мен ўзим бригадамизда биринчи бўлиб типовой нормадан анча ортиқ — 660 урчуққа хизмат кўрсатишга ўтдим. Учта машина изимида. Корхонада бир неча йил ишлаб, тезкорлик методини эгаллаганим, қулай маршрутни танлашда қийналмаслигим, машиналар оралаб ишлаганда олтн томонга навбатма-навбат юриб, ип узуқларини икки-уч дақиқада улашга улгуришим туфайли хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга муваффақ бўлдим. Шу, кунларда «Ўилар ташаббуси» изидан бориб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача 4 йиллик топшириқни, беш йиллик охиригача эса ўн йиллик маррани эгаллашнятида меҳнат қилаётирман. Бу менинг ўртоқ Л. И. Брежневнинг янада самаралироқ ва сифатлироқ ишлаштўғрисидаги чақириғига жавобим бўлади.

К. НЕЪМАТОВ,
Намангандаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шойи газламалар комбинати ишчиси.

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Ленинча партиямиз ҳамиша биз деҳқонларга оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқда. Хўжаликларимиз замонавий қудратли машиналар, минерал ўғитлар ва бошқа зарур нарсалар билан узлуксиз таъминлаб турилибди. Шунинг учун ҳам йил сайин мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдамиз. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўни кеча Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумида сўзлаган сермазмун нутқида ҳам ана шу ҳақда жуда қимматли фикрлар айтилди. «Беш йиллик лойиҳаси партиянинг аграр сиёсатига мувофиқ, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади, — дейилади нутқда. — Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун 170 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилади».

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин нутқи қишлоқ хўжалиги ходимлари зиммасига яна муҳим вазифалар юкламоқда, янгидан-янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

Бўлимимиз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида партиямизнинг доимий ғамхўрлигига суянган ҳолда гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилган эдилар. Бу муҳим вазифани амалга оширишда бизга механизация қудратли ёрдамчимиз бўлди. Гектаридан 36 центнердан хирмон кўтариб, ҳалқ хўжалик планини шараф билан адо этдик. Етиштирилган ҳосилнинг 1165 тоннасини дала гвардиячилари «зангори кемаларга» бункерларидан тўкдилар. Ҳамкасбим Ҳ. Ўрмонов ва бошқа шу каби илғор механизаторлар 150-190 тоннадан «оқ олтин» териб беришди. Ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Биз қолган ҳосилни йиғиб-теріб олишда ҳам механизациядан унумли фойдаланамиз. Мажбуриятимиз ҳар гектаридан 50 центнер «оқ олтин» етиштиришдан иборат экан, буни сўзсиз бажарамиз.

Ҳ. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Охунбобоев номли совхозининг Усмон Юсупов номли бўлими механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Фарғона область, Фрунзе райони.

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛЛАР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг 25 октябрда очилган навбатдаги пленумида сўзлаган нутқини совет халқи қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Леонид Ильич пахтакорлар меҳнати тўғрисида самимий гапириб, саккиз миллион тоннадан кўпроқ пахта тайёрланади, деб ишонч билдирди. Биз, Ўзбекистон деҳқонлари ҳам бунга ўз муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Беш миллион уч юз минг тонна Ўзбекистон пахтаси тайёрланади.

Бригадамиз ҳам белгиланган маррани эгаллайди — биз 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнер пахта ҳосили йиғиштириб олишга қарор қилдик. Ҳозиргача гектар бошига 33 центнердан хирмон кўтардик. Биз ўз социалистик мажбуриятимизни Улуғ Октябрь байрамигача бажарамиз.

Бизнинг еримиз бундан ҳам кўпроқ ҳосил бериши мумкин. Лекин Л. И. Брежнев жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек, саноатга бизнинг даъволаримиз бор. Баъзан хўжаликларга шу кун талабларига жавоб бермайдиган машина-механизмлар етказиб берилади, бу машина-механизмлар учун ҳам етарли миқдорда запас қисмлар юборилмайди. Биз айни вақтда тўкилган пахтани ҳам териб оладиган янги терим машиналарини олишни истар эдик.

А. АҲАДОВ,
Ворошилов районидаги Свердлов номли колхоз бригадири.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида шу йил 26 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада, тўртинчи устун — мавсум бошидан бўён тайёрланган пахта; бешинчи устун — шу жумладан машинада.

ТОШКЕНТ	0,19	0,09	104,25	116,51
Сурхондарё	0,68	1,41	95,06	105,82
Андижон	0,56	0,69	94,58	100,76
Жиззах	0,50	0,21	91,97	94,44
Қашқадарё	0,75	1,03	89,65	87,56
Наманган	0,66	1,07	86,12	97,84
Сирдарё	0,41	0,14	85,27	99,61
Фарғона	0,54	1,03	84,14	65,28
Самарқанд	1,00	0,82	83,93	82,67
Бухоро	0,67	0,63	83,14	77,65
ҚҚАССР	1,24	1,87	83,10	74,81
Хоразм	0,93	1,60	69,97	62,51
Республика бўйича:	0,67	0,85	87,57	89,36
Шу жумладан нигичка толали пахта				
Сурхондарё	0,93	—	76,25	—
Наманган	0,42	—	68,71	—
Қашқадарё	1,17	—	68,79	—
Бухоро	0,55	—	48,82	—
Республика бўйича:	0,95	—	72,32	—

ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ҲАМ ТЕРИМ СУРЪАТИНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК!

АРМУҒОН

ҒОЛИБЛАР РАПОРТИ

Улуғ Октябрнинг 59 йиллик шонли байрами арафасида совхозимиз меҳнат аҳли Жиззах областидаги қўриқ Октябрь районида биринчи бўлиб 25 иш кунида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Она-Ватан хирмонига 3605 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ялпи ҳосилнинг 80 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўкилиб, биринчи сортларга топширилди. Ўтган йилнинг шу кундаги кўрсаткичига нисбатан минг тоннадан кўпроқ дурдона армуғон этилди. Ҳосилдорлик эса 4,2 центнерга ортди.

Қўриқдаги Ҳамид Олимжон номли совхоз далаларига илк бор чигит экилгандан буён тўрт йил ўтди. Совхознинг чўл қўйнида ташкил топган меҳнат коллективи шу йиллар мобайнида ўсди, улғайди ва меҳнатда янгидан-янги зафарлар қучмоқда. Дастлабки йиллардан буён ҳосилдорлик 2,5 баравар ошди, деҳқончилик маданияти сезиларли даражада юксалди. Айни пайтда етиштирилган пахтанинг таннархи 1,5 баравар арзонлашди. Она-Ватанга армуғон этилаётган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори 3-4 баравар кўпайди.

Совхозда ишлаб чиқаришнинг юксалишида кўзга ташланарли кўпгина ютуқлар қўлга киритилди. Бунга, сабаб аввало, қўриқ ерларда деҳқончилик қилаётган, чўлларни чекинтириб, «оқ олтин» водийсига айлантираётган пахтакорлар жонажон партиямиз ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигидан баҳраманд бўлмоқдалар. Чўлқуварлар бугунги кунда юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалик техникасига эгадир. Ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ички резерварни ишга солиб, меҳнат коллективини янги зафарларга руҳлантириш ва эришилган ғалабалар билан кифояланиб қолмаслик руҳида тарбиялаш совхоз дирекцияси, партия ташкилоти зиммасидаги жанговар вазифалардан биридир.

Совхозимиз далаларида бу йил ҳар қачонгидан кўра мўл ҳосил етиштирилди. Пахта йиғим-теримининг дастлабки ўн кунлигида йиллик планнинг 50 проценти миқдорида ҳосил йиғиб-териб олинди. Машинабоп қилиб ўстирилган майдонларнинг сифатли дефолиация қилиниши, ғўза барглари-нинг ўз пайтида тушириліши пахтазорда «зангори кема»ларнинг енгил ва равон сузиши учун қулай имконият яратиб берди. Хўжалигимиз даги 30 га яқин терим машинаси мавсумда юксак унум билан ишлаб турди. Механизациядан юксак унум билан фойдаланган Раҳматулла Жўрабоев, Хушбоқ Холбўтаев, Мавлон Йўлдошев, Абдулла Қўшиев, Турсунбой Сайдуллаев, Омон Қурбонов, Юсуф Эргашев, Мажид Рашидов ўртоқлар бошқарган илғор бригадаларнинг пахта далаларида ҳосилдорлик 35-45 центнерга кўтарилди.

Айниқса, Бекмурод Бўронов бошқарувчилик қилаётган 3-бўлимда деҳқонлар қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Улар 15 иш кунида йиллик планни адо этиб, 455 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан қариб 1,5 минг тонна дурдона армуғон этдилар. 100 процент ҳосил машиналар ёрдамида терилиб олинди. Ҳозир пешқадам бўлим пахтакорлари оширилган мажбурият ҳисобига меҳнат қилиб, ялпи ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Шунингдек, Қўлдош Қудратов етакчилик қилаётган 1-бўлим пахтакорлари ҳам ҳосилдорликни 30 центнердан ошириб юбордилар. Ялпи ҳосил машиналар бункеридан тўкилди. Ҳар икки пешқадам бўлим пахтакорлари районимиз бўйича ҳам энг юксак кўрсаткичларга эришдилар. Социалистик мусобақада ғолиб чиққан пахтакорлар муносиб тақдирландилар.

Совхоз пахтакорларининг ажойиб зафарига «зангори кема»ларнинг голиб суворийлари муносиб ҳисса қўшдилар. Пахтачиликдаги бугунги зафарни машиналар қудратисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар деҳқоннинг суянган тоғи ва асосий кучи бўлиб қолдилар. Бизнинг совхозимизда ҳам асосий куч машиналар зиммасига тушмоқда.

Биз яхши биламизки, республикамизда 5 миллион 300 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони учун ҳал қилувчи кураш бормоқда. Улкан хирмон учун барча бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда. Зафарли кунларга — республика бўйича ғалаба рапортига имзо чекиладиган унутилмас дамларга саноқли кунлар қолди. Сўнгги кунларда об-ҳавонинг бирмунча ноқулай келаётганлиги биз пахтакорларни ҳар бир кундан, ҳар бир дақиқадан ва ҳар бир имкониятдан янада унумлироқ фойдаланиб, меҳнатда янги зафарлар сари янада дадилроқ боришга даъват этади. Республикамизнинг улкан хирмони токи ўз нуқтасига етмагунча биз ўз зиммамиздаги масъулиятни тўла адо этган деб ҳисоблолмаймиз. Ана шу мақсадда пахтакорларимиз юксак мажбурият олиб, она-Ватанга пландан ташқари яна 200 тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг жанговар Октябрь Чақириқларидан руҳланиб, жўшқин меҳнат қилаётган совхозимиз деҳқонлари тез кунда ўз сўзларининг устидан чиқадилар.

Х. БЎРОНОВ,
Жиззах область, Октябрь районидаги Ҳамид Олимжон номли совхоз директори.

Б. ТИЛОВБОЕВ,
совхоз партия ташкилотининг секретари.

А. ТУЙЧИЕВ,
ишчилар комитетининг раиси.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

◆ ОБ-ҲАВО ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИНИ МАРДОНАВОР ЕНГИБ, ПАХТА МАЙДОНЛАРИДА ЖАСОРАТ КЎРСАТИНГ, ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ КОНВЕЙЕР УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИБ, СУРЪАТНИ КУЧАЙТИРИНГ!

◆ ҚУПГИНА ХУЖАЛИКЛАР ЁҒИНГАРЧИЛИКЛАР ТУФАЙЛИ ЮЗ БЕРГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ, ҚУНИГА 1-1,5 ПРОЦЕНТДАН ПАХТА ТАЙЁРЛАЯПТИ. ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

◆ ШУ КУНЛАРДА ҲАММА ЖОЙДА МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК, ҲОСИЛ ТАҚДИРИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК, ТЕРИМДА КОММУНИСТ ВА КОМСОМОЛЛАРНИНГ АВАНГАРДЛИҚ РОЛИНИ ОШИРАЙЛИК!

◆ ҲАММА ЙИҒИМ-ТЕРИМГА!

КУЗГИ ҒАЛЛА ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

Л. И. Брежневнинг кубанлик галлакорларга йўллаган мактубига жавобан давлат қабул пунктларига илғари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятидан 68 минг тонна кўп ёки 169 минг тоннага яқин сара дон етказиб бердилар. Маккажўхорикорлар 12 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан «каҳрабо дон» хирмони кўтаришга эришдилар.

Миришкор ғаллакорлар ўнинчи беш йиллликнинг иккинчи давраси — 1977 йилда 400 минг тонна дон, шу жумладан қариб 100 минг тонна маккажўхори донни етиштириш ҳақида юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қашқадарёлик галлакорларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаб қарор қабул қилди. Қарор галлакорларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Ялпи дон миқдорини 400 минг тоннага етказиш бу йил тайёрланган донга нисбатан умумий дон миқдорини 90 минг тоннага кўпайтириш демакдир. Ёки азмат галлакорлар келаси йили планда кўзда тутилганидан 144 минг тонна кўп дон тайёрлайдилар. Партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг асосий эътибори шунга қаратилмоқда.

Ғаллакорлар экин майдонларини 270 минг гектарга етказиш учун курашмоқдалар. Шундан 47 минг гектарида суғориш йўли билан катта хирмон кўтарилади. Ламмикор ерларнинг гектаридан олинадиган ҳосил 10 центнер, суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосил эса 25 центнерга етказилади. Маккажўхори майдонини эса 14 минг гектарга кенгайтириш мўлжалланмоқда. Ҳар гектар майдондан 70 центнердан «каҳрабо дон» олиш кўзда тутилмоқда.

Ғаллакорлар зиммаларига олган юксак мажбуриятларини бажариш борасида қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар? Янги ер ўзлаштириш ҳисобига галлазорлар кенгайтирилмоқда, мавжуд галлазорлар минерал ва органик ўғитлар билан ўғитланиб унумдорлиги оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши профилактик чоралар кўрилмоқда. Гектарларнинг тўла, ниҳоллар сонининг бут бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Келаси йили баҳорда 15 минг гектар майдондаги галла майсалари ёмғир суви билан икки марта суғорилади. Шунга яраша бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда.

Уруғчилик—деҳқончиликнинг асосидир. Бободеҳқонлар область шароитига мослашган буғдойнинг «Қизил Шарқ», «Сурхак», «Безостая-1» навларини, арпанинг «Унумли арпа», «Қарши арпаси» ва бошқа нормадаги серҳосил навлари уруғини етарли миқдорда жамғариб олдилар. Ғалла экиш қизғин давом эттирилаётган ҳозирги кунларда ана шу уруғлардан қатъий норма асосида фойдаланилмоқда, уруғнинг исроф бўлишига ёки сийрак экилишига мутлақо йўл қўйилмаётир, мутахассислар галлазорларда кузги ғалла экишнинг бориши устидан қатъий назорат олиб бормоқдалар.

Область партия комитети кузги ғалла экишнинг бориши ҳақидаги масалани мунтазам назорат қилиб бормоқда, жойларда социалистик мусобақани кучайтириш йўли билан кузги ғаллани тез фурсатда экиб бўлиш, уруғни ернинг табиий намига ундириб олиш чораларини кўрмоқда, партия ташкилотларининг асосий эътиборини ҳамма майдонларга иложи борича кузда ғалла экиш зарурлигига қаратмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки қашқадарёлик галлакорлар ғаллани кузда экиш йўли билан ҳосилдорликни гектар бошига 4-5 центнер кўтармоқдалар. Бу йил ҳам ана шу анъанага амал қилинмоқда, кузги галлазорларни ўғитлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу кунларда областнинг асосий ғаллакор районларида ғаллачилик учун қулай келган ҳозирги кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланилиб, кузги ғалла экиш тобора кучайтирилмоқда.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республикамиз районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 26 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — мавсум бошидан буён; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Юқори Чирчиқ	120,95	142,39
Қуйи Чирчиқ	118,98	173,40
Янгиёвул	113,02	106,83
Урта Чирчиқ	106,60	100,98
Чиноз	104,27	104,40
Бўка	103,04	120,10
Оққўрғон	101,06	115,92
Бекобод	97,04	99,80
Пискент	86,82	91,69
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Шўрчи	101,13	113,17
Ленин йўли	101,12	114,46
Сариосиё	95,14	90,75
Денов	94,68	102,44
Термиз	93,50	103,18
Гагарин	91,42	107,32
Шеробод	90,83	89,73
Жарқўрғон	88,70	118,74
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Марҳамат	104,72	104,87
Ленин	102,54	64,67
Избоскан	98,44	104,54
Ҳўжаобод	97,22	96,43
Комсомолобод	96,01	136,31
Қўрғонтепа	94,64	110,12
Бўз	93,94	110,07
Жалолқудуқ	92,25	93,18
Пахтаобод	91,57	85,63
Балиқчи	90,83	101,87
Андижон	90,35	98,18
Москва	89,55	101,86
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Дўстлик	103,32	115,85
Жиззах	100,79	87,03
Мирзачўл	92,25	105,73
Октябрь	91,15	82,71
Пахтакор	86,07	93,51
Арнасой	72,02	63,50
Ғаллаорол	71,99	45,16
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Нишон	102,96	113,24
Ғузор	102,85	78,30
Шаҳрисабз	93,54	97,32
Қарши	92,71	94,70
Ульянов	90,29	97,52
Қамаши	90,16	90,46
Чироқчи	84,01	52,90
Яккабоғ	83,87	87,26
Косон	77,57	64,07
Китоб	76,88	76,62
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Учқўрғон	95,63	122,30
Косонсой	92,51	120,18
Норин	88,59	108,71
Тўрақўрғон	88,00	85,70
Задарё	87,23	112,19
Уйчи	86,79	98,79
Янгиқўрғон	83,60	91,16
Поп	83,30	79,54
Наманган	82,89	85,75
Чуст	72,41	43,76
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Оқолтин	105,81	137,43
Боёвут	85,40	94,08
Сирдарё	84,94	95,28
Ворошилов	79,49	77,75
Ховос	79,17	83,33
Ильич	78,19	95,24
Гулистон	76,22	90,79
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Ленинград	93,77	86,82
Фарғона	92,76	59,29
Кува	91,21	76,12
Охунбобоев	87,91	58,13
Ўзбекистон	87,08	69,28
Киров	85,33	57,59
Бағдод	84,65	63,01
Риштон	82,98	65,45
Тошлоқ	78,30	55,34
Бувайда	76,60	58,99
Қувасой шаҳри	76,51	71,69
Фрунзе	76,08	72,48
Олтиариқ	74,24	63,75
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Пахтачи	95,23	114,98
Каттақўрғон	92,52	95,29
Нарпай	92,10	84,27
Пастдарғом	86,55	72,34
Хатирчи	84,33	75,91
Иштихон	82,31	91,78
Жомбой	80,72	87,48
Оқдарё	76,95	74,26
Пайариқ	69,83	56,38
Булунғур	67,67	61,96
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Ромитан	90,65	80,79
Қоракўл	89,01	89,61
Шофирқон	86,02	75,55
Олот	85,95	84,89
Свердлов	84,26	83,58
Вобкент	83,55	96,40
Ғиждувон	82,70	60,29
Бухоро	81,74	59,37
Когон	78,47	69,27
Қизилтепа	75,66	67,93
Навоий	73,16	78,99
ҚҚАССР		
Хўжайли	92,22	95,05
Қораўзак	91,61	89,55
Тахтакўпир	90,76	91,30
Тўртқўл	89,19	73,54
Амударё	84,22	72,00
Беруний	83,47	65,70
Қўнғирот	82,92	68,83
Кегайли	77,95	73,06
Шуманай	75,83	69,56
Нукус	74,07	74,58
Чимбой	73,46	80,04
Ленинобод	71,70	66,28
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хива	75,92	51,89
Хонқа	73,99	77,41
Хазорасп	73,61	69,42
Қўшкўпир	69,90	61,98
Боғот	69,69	62,72
Янгиариқ	69,34	68,85
Шовот	68,12	56,70
Урганч	66,43	60,61
Гурлан	66,03	58,76

СУНГГИ ПОЧТАДАН

СИФАТ САҲИФАСИ

КПСС XXV съездида таъкидланганидек, ўнинчи беш йиллик сифат ва самарадорлик беш йиллиги бўлиб қолмоқда. Бу соҳада айниқса Андижон область ишлаб чиқариш корхоналарида намунали ишлар қилинмоқда. Шу кунгача область саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг эллик уч тури давлат Сифат белгиси олди. Кўп коллективларда маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш ва маҳсулотларнинг юқори сифат категориясига тайёрлаш ишлари жадал олиб борилаётир. Амалга оширилаётган ва тадбирлар Андижон областининг «Коммунист» газетаси саҳифаларида изчил ёритилмоқда.

Газета яқинда «Сифат саҳифаси» очди. Бу саҳифада илғор корхона ва қурилиш ташкилотларининг социалистик мусобақа пешқадамларига минбар берила бошланди. Улар маҳсулот сифатини ошириш юзасидан корхона ва ташкилотларда амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида ўзаро тажриба алмашдилар. Газетанинг навбатдаги «Сифат саҳифаси»да Андижондаги «Электроаппарат» заводининг бригада бошлиғи А. Султонов, Ленинск пахта тозалаш заводи бош инженери А. Ҳайитов, Избоскан район колхозлараро қурилиш бошқармасининг бошлиғи Н. Раҳимов ўртоқлар ишнинг сифатини янада яхшилаш соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳамда ҳал бўлмай турган муаммолар тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар. Газета ишлаб чиқариш ва иш сифатини ошириш ҳақидаги материалларни изчиллик билан ёритиб, ибратли иш қилмоқда.

«КОСМОС-863» ПАРВОЗ ҚИЛМОҚДА

1976 йил 25 октябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-863» учирилди.

Йўлдош бортида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

МЕТАЛЛУРГЛАРИНИНГ МАРРАЛАРИ

● ПРАГА

Чехословакия бинокорлари Прага яқинидаги Кладно шаҳрида махсус легирланган пўлат ишлаб чиқарадиган комбинатни тез суръатлар билан барпо этмоқдалар. Бу комбинат — олтинчи беш йиллиқдаги энг йирик қурилишлардан биридир. Бинокорлар бу йил учта янги ишлаб чиқариш объектини муддатидан илгари фойдаланишга топириш ва қўшимча равишда 20 миллион крондан кўпроқ маблағни ўзлаштириш мажбуриятини олдилар. Комбинатнинг биринчи навбати ҳозирдеёқ маҳсулот бера бошлади. Яқин йиллар ичида бу ерда юқори сифатли пўлат ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайтирилади.

Кладно комбинати қурилишининг ҳамма участкаларида «юксак самарадорлик ва иш сифати учун» деган шиор остида социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда.

ГДРНИНГ ЯНГИ ЙЎЛЛАРИ

● БЕРЛИН

Германия Демократик Республикасида йўл шоҳобчалари кенгайтирилмоқда. Ҳозир республикада тош йўллар ва автострадаларнинг умумий узунлиги 11 минг километрга етди, Берлин—Росток автострадасининг қурилиши 1978 йилда тугалланиши билан бу йўлларнинг узунлиги яна 224 километр узайтирилади. ГДР йўл магистраллари учун қоплама материалларнинг юқори сифатли бўлиши, қулай икки қаватли йўллар, кенг кўприклар характерлидир.

Автомобиллар сонининг доимо кўпайиб бораётганлиги туфайли мамлакатда йўл қурилиши жадаллаштириб юборилди. Ҳозир бу ерда 5,9 миллионта енгил ва юк машиналари бор ҳамда тахминан ўшанча машина ҳар йили мамлакат территориясини транзит тарзда кесиб ўтади.

АЛАМАР — ГЎЗАЛ ПОСЕЛКА

● ГАВАНА

Куба пойтахти чеккасидаги янги шаҳарчаларидан бири бўлган Аламар посёлкаси гўзаллашиб бормоқда. Аламарда қурилиш бошланганидан буён ўтган 5 йилдан сал кўпроқ вақт ичида илғари ҳувиллаб ётган ерда катта уй-жой массиви пайдо бўлди. Шинам ва қулай квартиралари бўлган 200 дан кўпроқ замонавий уйжой биноларидан ташқари посёлкада бир нечта ўрта мактаб, болалар боғчалари, магазинлар, маиший хизмат корхоналари қурилди. Посёлканинг ўзида поликлиника, бир нечта спорт комплекси бор, Гавана университети архитектура факультетининг филиали очилди.

БИР ЗАВОД ТАРИХИ

● ВАРШАВА

Люблин юк автомобиллари заводининг коллективи ўз корхонасининг 25 йиллигини нишонламоқда. ПХР автомобилсозлиги тараққиётининг бутун йўли ана шу корхона бўлди. Бу ерда Совет Иттифоқидан юборилган қисмлар ва узеллардан юк автомашиналари йиғила бошланди. Коллектив тажриба орттира бориб мамлакатда бошқа автомобиль заводларини барпо этишда кўмаклашди. Ҳозир бу корхона ана шу заводларни талай миқдордаги заготовка ва деталлар билан таъминлаб турибди.

Завод кичик юкларни ташиш учун мўлжалланган «жук» деб аталган юк автомашиналарини ишлаб чиқаришни йўлга кўйиб машҳур бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда бу автомашиналарнинг ҳар учтасидан биттаси чет элларга, жумладан СССРга юборилмоқда.

Ҳозир Люблин заводи Польша машинасозлиги бутун маҳсулотининг саккиздан бир қисмини ишлаб чиқармоқда.

(ТАСС).



Панамада 1976 йил «Бирлаштирувчи конгресснинг 150 йиллигини нишонлаш йили» деб расмий равишда эълон қилинган эди. Бу конгресс Латин Америкасининг миллий қаҳрамони Симон Болевар ташаббуси билан ўтган эди. 1826 йилда бўлиб ўтган бу конгресс Америкадаги ёш давлатларни умумий озодликка эришиш учун жипслашишга ва бирлашишга даъват этган эди. Юқоридаги суратда Панама шаҳри — мамлакат пойтахтининг бир манзарасини акс эттирган. Бу шаҳар Латин Америкасидаги энг кенса шаҳарлардан бири ҳисобланади.

С. Сичев фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ТАИЛАНД: ҲОКИМИЯТ ГЕНЕРАЛЛАР ҚЎЛИДА ҚОЛЯПТИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 октябрь. (ТАСС). 6 октябрь куни Таиландда давлат тўнтариши қилган ҳарбий хунта янги министрлар кабинети тузилганлигини ва «муваққат конституция» жорий этилганлигини эълон қилди. Бу конституция бутун ҳокимият ҳукмрон генераллар қўлида қолишини кўзлайди.

Чет эл телеграф агентликлари мухбирларининг Бангкокдан хабар беришларича, янги ҳукуматдаги ҳамма асосий лавозимларни генераллар ва ўнг кучларнинг вакиллари эгалладилар. Хунта бошлиғи адмирал Сангад Чалорью мудофаа министри бўлди. Упадид Пача Риянгкун ташқи ишлар министри қилиб тайинланди. Шундан бир оз олдин Таиланднинг Вашингтондаги элчиси эди.

Махсус «маслаҳат органи» янги кабинет программасини тасдиқлаш расман эълон қилинди. Ҳукмрон ҳарбий кенгаш аъзолари шу орган составига киради. Бу орган чекланмаган ҳокимиятга эга бўлади: орган ҳукуматнинг сиёсатини белгилайди, қонунлар чиқаради ва уларни бекор қилади. Таиланднинг ҳарбий раҳбарлари яқин тўрт йил ичида мамлакатда парламент сайловини ўтказишни «режалаштираётганимиз йўқ» дедилар.

ИНГЛИЗ ЖУРНАЛИСТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 26 октябрь. (ТАСС). Ҳафталик «Санди пипл» журналида Жон Смитнинг Тошкентдан ёзган репортажида Совет Иттифоқида хотин-қизлар меҳрибонлик билан қўршаб олинганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Репортаж автори Ўрта Осиё ва Сибирга қилган сафари чоғида янги шаҳарларнинг пойиқларини тузаётган, касаба союз ташкилотларида масъул лавозимларда ишлаётган аёллар билан, оддий ишчи хотин-қизлар билан учрашганлигини ёзади.

Инглиз журналистининг репортажи тошкентлик оддий аёл Зарифа Саидованинг ҳаётига бағишланган. Зарифа Саидова ўн фарзандни тўғиб воягa етказганлиги учун «Қаҳрамон она» фахрий унвонини олди. Ўзбекистон революциясига қадар чор Россиясининг болалар ўртасида ўлим энг кўп содир бўлган жуда қоқоқ районларидан бири эди. Революциядан илгари Зарифанинг онаси ҳам ўнта фарзанд кўрган, аммо булардан фақат иккитаси тирик қолган эди, деб таъкидлайди автор.

Ўн ва ундан кўп бола туғиб ўстирган аёллар Совет Иттифоқида анча кўп, деб ёзади Жон Смит. Оналарга туққандан кейин давлат ҳақ тўлаган ҳолда узоқ муддатли декрет отпускаси беради. Шу муддат тамом бўлгандан кейин у ишламаслиги мумкин, лекин бутун бир йил давомида унинг иш жойи сақланиб қолади.

Автор Саидовлар оиласининг фаровон ҳаёти тўғрисида ёзади. Давлат Зарифа опага болаларни тарбиялашда ҳар жиҳатдан ёрдам бермоқда, кўп болалик оналар учун белгиланган нафақа тўламоқда.

ДИКТАТОРДАН ОЛИНГАН ПОРА

ВАШИНГТОН, 26 октябрь. (ТАСС). Қўшма Штатларда қонун чиқарувчилар ва мўътабар сиёсий арбоблар ўртасида пора хўрлик билан боғлиқ янги сиёсий жанжал юз берди. «Вашингтон пост» газетасининг хабар беришича, АҚШ Юстиция министрлиги Американинг демократлардан, шунингдек республикачилардан сайланган ҳозирги ва собиқ конгресс аъзоларидан камида 22 кишини тергов қилмоқда. Улар узоқ вақт мобайнида Жанубий Корея Марказий Разведка бошқармаси агентларидан жуда кўп миқдорда пора, қимматбаҳо совғалар ва бошқа нарсалар олишда айбланадилар. Бундай «совға»ларнинг умумий қиммати йилига 500 минг доллардан 1 миллион долларгача борган, деб хабар бермоқдалар. Агентларнинг фаолиятини Жанубий Корея диктатори Пак Чжон Хининг ўзи шахсан назорат қилиб турган, деб таъкидлайди газета.

Газета хабардор доираларга асосланиб, Сеул режимининг «вакиллари» шу йўл билан Капитолий тепалигида, яъни конгрессда Жанубий Корея учун «энг қулай вазият» вужудга келтирганликларини уқтириб ўтади.

Жиноятчилар ҳамон жазосиз қолмоқда

ВАШИНГТОН, 25 октябрь. (ТАСС). Октябрь ойининг бошларида СССР элчихонасининг ходими С. В. Степановга бандитларча қуролли ҳужум қилинганлиги, отилган ўқлардан унинг оғир ярадор бўлганлиги хабар берилган эди.

Шу муносабат билан АҚШ давлат департаментига қатъий норозилик билдирилиб, айбдорларни қидириб топиш ва қаттиқ жазолаш талаб қилинган эди.

С. В. Степановнинг ҳаётини сақлаб қолиш чоралари кўрилганлигига қарамай, у 25 октябрда вафот этди.

Жиноятчилар эса ҳали ҳам қидириб топилгани йўқ.

МЕҲНАТ СУРУРИ

Газетхон репортажи

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони моҳир механизатор, Комсомолобод районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг директори Ҳафиз Полвоновни ўзаро суҳбатларда, Ҳафиз полвон, деб аташади. Машҳур пахтакорнинг номи шунда яна ҳам салобатли жаранглайди.

Совхоз партия комитети секретарининг ўринбосари Шерали Жамолиддинов бизга ҳамсуҳбат бўлди. Пахта тошириш ҳақидаги сўнгги маълумот билан танишамиз: Терим машиналари билан 200 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб олинибди. Баъзи бир деталларни аниқлаймиз: олдинда ҳали ҳам Умарали Темиров, Холбой Ўролов, Муборак Рўзиевалар бошлиқ бригадалар. Кеча механик-ҳайдовчи Ҳошимжон Бозоров икки қаторли машинада 3 тонна пахта терибди. Бригадирлар ҳам Ҳошимжон ҳам — коммунист... Ҳалиги суҳбат давомида Ҳафиз ака айтган сўзлар ёдимизга тушди: «Ишнинг энг оғир участкаларини коммунистлар бошқараётибди».

Бу ерда меҳнат сурури ҳукм суради. Шу куннинг қаҳрамонлари, яъни Ҳафиз аканинг шунқорлари билан танишиш учун бу ерга келгандик.

Умарали Темировни бригада механик-ҳайдовчиси билан гаплашиб турган жойида «зангори кема» ёнида учратдик. Умарали бу йил 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 27 центнер ўрнига 33 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилган. Қўрқ совхози учун бу катта марра, албатта. Ишнинг бориши, теримнинг авжи бригада аҳли ўз мажбуриятини ёруғ юз билан бажаражагидан дарак бериб турибди.

— Ютуқларимизнинг сабабчиси — «зангори кема», — дейди бригадир. Бўлмаса, бундай суръатга эришиб бўлармиди!

Ҳа, машҳур механик-ҳайдовчи Ҳафиз полвоннинг шунқорлари, азамат механик-ҳайдовчилар пахтачиликда қўлга киритиладиган барча ютуқларга бош бўлянтилар. Улар бу йил совхоз Ватанга топширажак барча пахтанинг 90 процентини машиналар билан териб олишга аҳд қилганлар. Дала гвардиячиларидан бири коммунист Ҳошимжон Бозоровни қўшни бригадада учратдик.

— Биз, коммунист механик-ҳайдовчилар ўз зиммамизга оширилган социалистик мажбуриятлар олганмиз, — дейди Ҳ. Бозоров. — Мен ҳам бу йил яхши ният билан 200 тонна пахта теришга ваъда берган эдим. Машинам икки қаторли. Ҳозиргача 150 тоннасини териб қўйдим.

Бригада бошлиғи Муборак Рўзиева бизни қарши олади.

Муборак опа биринчи бўлимнинг 5-бригадасига бошчилик қилади. Умр йўлдоши Икромжон ҳам шу бригадада механизатор. Бригада аъзолари съездлар йилида катта мажбурият олишган. Муборак опа эса алоҳида мажбурият қабул қилган. Ўзи машинада 190 тонна пахта теришга сўз берган. Ҳозир бригадир ана шу аҳди устидан чиқиш учун астойдил курашмоқда. Машинани умр йўлдоши билан галма-галдан бошқарадилар.

Коммунист Муборак Рўзиева бошлиқ бригада совхозда биринчилар қаторида бормоқда.

Кечқурун совхоз партия комитети ва ишчилар комитетининг қўшма йиғилиши бўлди. Унда ўтган беш кунлик якуни бўйича илғор механик-ҳайдовчиларни кўчма вимпеллар ва пул мукофотлари билан тақдирлаш масалалари қараб чиқилди. Шундан сўнг қўлга киритилаётган ютуқлар тўғрисида совхоз раҳбарлари билан муфассал суҳбатлашдик.

Ҳаво айниб, ёғин-сочинли кунлар бўлишига қарамай пахта териш ва давлатга сотиш қизғин бормоқда.

Кейинги ўн кунликларда механик-ҳайдовчилардан Рўзибой Жалилов, Шерқўзи Йўлдошев, Тожибой Ўринбоев, Фозил Маматовлар пешқадамлик қилишди. Бригадалар, теримчилар ва механик-ҳайдовчилар орасидаги социалистик мусобақа кун-дан-кунга қанот ёзиб бормоқда.

Қ. СОБИРОВ,
Андижон области.

СОВЕТ ХОДИМЛАРИ СЕМИНАРИ

Кейинги йилларда меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг обрўси анча ошди ва фаолият даражаси янада кенгайди, хўжалик ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳасига таъсири кучайди, маданий-маиший масалаларни уддабуронлик билан ҳал этадиган бўлиб қолдилар. Яқинда Тўрақўрғон районида ўтказилган қишлоқ ва посёлка Советлари раисларининг бир кунлик семинари худди ана шу мавзуга бағишланди.

Семинарда область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. М. Борисенко маҳаллий советлар фаолиятини янада такомиллаштириш, партия XXV съезди қарорларини амалга оширишда уларнинг фаолиятини янада активлаштириш вазифалари мавзусида доклад қилди. Семинарда сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам маҳаллий Советлар иши юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар.

Ж. ОБИДОВ,
Наманган области.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ, УНИНГ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛУҒВОР ПРОГРАММАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ!

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ, ОЛГА!

КОММУНИСТЛАР! КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЙЎЛИДАГИ УМУМХАЛҚ КУРАШИНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА БОРИНГИЗ, ОММАНИНГ АКТИВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ВА ТАРБИЯЧИЛАРИ БЎЛИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

БУ НЕ СИР

(НЕГР ҚУВОНЧИ)

Оқ бўлиб қолибман
тушимда
Ергинам ҳайроннмиш.
Кўзлари ёш тўкар тушимда
Қошимда парвонамиш.
«Сиддавин» деб жаноблар
ҳам
Жой берармиш атайин.
«Окей, Томсом, бир оз ол
дам»
Дермиш ҳатто хўжайин.
Таксиларга қўл кўтарсам
Тўхтатар эмиш хушхол.
Тушгач қўлим силкиб
қолсам
«Гудбай»идан томар бол.
Пулимиз ҳам етар эмиш
Хотин пасон, мен пасон.
Қувноқ қўшиқ, айтар эмиш
Уғилгинам Пол Робсон.
Оҳ, бу умр бунча ширин,
Обаки дандоним бу.
Дунё гўё нозик келин
Ушалган армонми бу.
Дер эдимки мингга кирсам
Бу не омад, бу не сир.
Тушим эмас экан билсам
Турган жойим СССР.

Турсун МУҲАММАДАЛИЕВ.

Республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, яна ҳам нурли манзилларни, улкан довонларни кўзламоқдалар. Пахта далаларида 5 миллион 300 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун кураш ҳар қачонгидан ҳам авж олиб кетди. Партия ташкилотлари далада ишлаётганлар ўртасида оммавий-сиёсий, ташкилий ишларни кучайтирмоқдалар. Шу кунларда медицина, савдо хизмати, кутубхоналар, маданий-маиший ишларнинг ҳаммаси далаларга — пахтазорга кўчирилган.

Суратларда: (пастда) Самарқанд область, Пастдаргом район партия маорифи уйининг кутубхоначиси Э. Иброҳимова иш устида. Наманган область Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхози правлениеси қошида ташкил этилган турмуш маданияти Советининг аъзолари (юқорида) қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида олиб бориладиган навбатдаги ишлар ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

В. Таран, Д. Ярцев фотолари.

Редакция почтасидан

Павел Васильевич Шукшин мана бир неча йилдирки, Тошкент экскаватор заводида металл-конструкциялар пайвандчиси бўлиб ишламоқда. У тўққизинчи беш йиллик зарбдори. Павел Васильевич меҳнат қилаётган цех коллективи план топшириқларини 130 процент ва ундан ошириб адо этмоқда. Павел Васильевич Шукшин барча экскаваторсозлар қатори Улуғ Октябрь байрамига мунносиб меҳнат туҳфаси ҳозирламоқда. Суратда: П. В. Шукшин.

Г. Исоқов фотоси.

ҚАРДОШЛИК ТИМСОЛИ

БУНДАН икки ойча олдин трестимизга Тошкентдан — «Средазгипроводхлопок» институтининг бир группа мутахассислари келишди. Кўп ўтмай улар районимиздаги икки хўжалик — «КПСС XXV съезди» ва Ивановск колхозлари майдонларини ўз ичига олган бўлажак «Дўстлик» совхозининг ерларини тадқиқ қилишга киришдилар. Совхозимиз келажакда давлатга кўплаб сабзавот ва сут маҳсулотлари етказиб беради. Минг гектарга яқин ерга бодринг, помидор, карам ва картошка экади. Яна шунча ер суғорилиб, жўхори, кўп йиллик ўтлар ва бошқа хашак ҳамда пичанбоп ўсимликлар етиштирилади. 10 гектар майдонда теплица ва 1200 бош қорамол учун чорвачилик комплекси барпо этиш мўлжалланган. Ҳар бир сигирдан йилига 4 тонна сут олиш планлаштирилган.

Хўжаликнинг экин майдонлари 5557 гектарни ташкил этади. Сабзавот ва сут етиштириш совхозимизнинг асосий бойлиги бўлиб қоладн. Йилига 18 минг тонна сабзавот, 4,8 минг тонна сут, 200 тонна гўшт етиштирилади.

Далалар «Фрегат» ва бошқа ёмғирлатиш қурилмалари ёрдамида суғорилади. Сув хўжалик территориясидан оқиб ўтувчи Молохта дарёсидан олинади. Бу эса об-ҳаво шароитининг қандай бўлишидан қатъий назар барқарор ҳосил олиш — гектаридан 300 центнер сабзавот ва 90 центнер пичан етиштириш имконини беради.

Совхозимизнинг ишлаб чиқариш планида 2 миллион куб метр ҳажмли сув омбори барпо қилиш, 2 минг гектар ерга сув чиқариш, 360 гектар ботқоқ ерларнинг заҳини қуритиш вазифалари белгиланган. Шунингдек, Куниково қишлоғида 1500 киши истиқомат қиладиган шаҳар типидаги янги посёлка қад кўтаради. Ҳозир 20 га яқин катта-кичик қишлоқларда истиқомат қилиб турган совхозимиз ишчилари марказий газ ва сув таъминоти иншоотлари ҳамда бошқа коммунал қулайликларга эга бўлган янги посёлкаларга кўчиб чиқадилар.

Бу посёлкаларни «Ивановпрсовхозстрой» трести қурувчилари бунёд этяптилар. Трест бундан бир йил муқаддам оталиқ ёрдами сифатида «Средазгирсовхозстрой» томонидан ташкил этилган эди. Хуллас, ўзбекистонлик ирригатор, мелиоратор ва ишлаб чиқариш комплексини қураётган қурувчилар отрядларининг хизмати беқиёсдир. Улар бизга янги-янги экин майдонлари очиб бермоқдалар, равон йўллар, шинам уйлар қуриб ҳадя этмоқдалар, каналлар қазиб, ботқоқликлар захини қочиришда яқиндан кўмак бермоқдалар. Буни жуда тез суръатлар билан қад кўтараётган совхозимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Унинг номини «Дўстлик» деб атаганимиз бежиз эмас. Бу «Дўстлик» халқлар ўртасидаги қардошлик тимсолидир.

Г. ПЕНЗИН,
«Ивановпрсовхозстрой» трести бошқарувчиси.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Машиий мавзуда

Автоном республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллигининг биринчи йилида давлатга пахта, шоли, сабзавот, ҳўл мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш, уларнинг сифатини яхшилаш бўйича юксак социалистик мажбуриятлар олганлар. Дала меҳнаткашлари шу кеча-кундузда давлат омборига 400 минг тонна «оқ олтин», 200 минг тонна шоли етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Қорақалпоғистон матлуботчиларининг бутун диққат эътибори қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг унумли ишлашлари учун тегишли шароит яратишга қаратилган. Улар савдони далага кўчирганлар. Йиғим-терим авж олган шу долзарб кунларда 250 та сотувчисиз дўкон, 100 та автодўкон хизмат кўрсатмоқда. Улар кундалик зарур товарлар билан таъминланган.

Пахтакорларнинг маданий эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олиняпти. Бадиий асарлар, спесий ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар кўплаб сотилмоқда.

Теримчиларни рағбатлантириш учун 300 та енгил автомашина, 285 та мотоцикл, 30 минг квадрат метр нолос, 149 минг сўмлик шерсть рўмол ажратилган.

Пахтакорларни, пахта заводлари ва пахта пунктлари ишчиларини иссиқ овқат билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хўрандаларга хуш келган овқатлар тайёрлаб бериляпти.

Лекин шунга қарамасдан бу соҳада жиддий нуқсонлар мавжуд. Айниқса, умумий овқатланишни ташкил этиш айрим районларда бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чора ва тадбирлар белгиланган. Уларни зудлик билан амалга ошириш даркор.

Пахтакорларга хизмат кўрсатиш матлубот кооперацияси ходимлари учун шарафли ишга айланмоқда. Улар дала меҳнаткашларига иссиқ-кайм-кечак ва харидорлар диднга мос бошқа товарларни кўплаб етказиб бериш уларнинг кун сайин ўсиб бораётган талабларини қондиришга интилмоқдалар. Савдонинг илғор усул ва методлари кенг жорий қилинаётир.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг оғирини енгил қилиш, уларнинг унумли ишлашлари, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишлари учун барча зарур тадбирларни кўрамиз.

А. КУННАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон АССР матлубот союзи раиси.

ЖАНГОВАР ШИОРИМИЗ

Кенг адиримнг илоҳ изи йўлидан борар экансиз, нигоҳингиз ям-яшил бедазорлар ўртасидаги қатор улкан биноларга тушади. Йўл ёқасидаги лавҳага «Янгийўл бройлер-парандачилик фабрикаси», деб ёзиб қўйилган. Мен ана шу ерда ишлайман.

Корхонамиз ишчи ва хизматчилари ўнинчи беш йиллигининг биринчи йилида шаҳарликлар дастурхонига 4 миллион 200 минг дона тухум, 2300 тонна парранда гўшти етказиб беришга бел боглаганлар. Бу — фабрика биринчи навбатнинг лойиҳа қувватида белгиланганидан ортиқдир. Хўш, юксак мажбуриятлар олиб, катта кетмадикмикан? Агар корхонанинг навқиронлигини (у эндигина уч ёшга тўлди), қурилиш ишлари давом этаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, кўзланган маррани забт этиш қийиндек туюлади. Лекин ишчи сўзи — чин сўз эканлигини унутманг. Фабрикамиз ишчи-хизматчилари белгиланган план топшириқлар тўла бажарилишини таъминлаш мақсадида ўнинчи беш йиллигининг дастлабки кунлариданоқ ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрлар қўнимсизлигига барҳам беришга, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга катта эътибор бериб келмоқдалар.

Сифат ва самарадорлик учун кураш — фабрикамиз меҳнат аҳлининг жанговар шиорига айланган. Биз КПСС XXV съезди тарихий қарорларига жавобан кам маблағ сарфлаган ҳолда кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун резервларни қидириб топмоқдамиз. Тухумларнинг ҳаммаси ва парҳез гўштларнинг 90 проценти биринчи сортга топширилмоқда. Фабрикамизда очирилган жўжаларни соғлом сақлаб қолиш кўрсаткичи бултургига нисбатан 15 процент ошди. Таннарх эса ҳозирдаёқ 3 процент арзонлашди.

Қурбон САМАНДОРОВ,
Янгийўл бройлер-парандачилик фабрикаси оператори.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА ҚУРА

ШАКАРНИНГ ОЗИ ШИРИН

Йилдан-йилга турли касалликларни даволаш учун дори хиллари кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони икки мингга етди, агар турли ҳисобга олинса беш мингдан ҳам ошади. Эндиликда республикамизда 1300 га яқин дорихона бўлиб, аҳолига хизмат қилмоқда. Кўпчилик дорилар фақат врач рецепти билангина берилади. Аммо айримлари яъни врачгача ёрдам бериш учун қўлланиладиганларигина рецептсиз сотилади. Бундай дорилар рўйхати СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан буйруқ тарзида тасдиқланган. Шундай бўлса-да, баъзан аҳоли орасида дориларнинг аҳамияти ва таъсири тўғрисида нотўғри фикрлар ҳам учрайди. Айрим кишилар дорини врач кўрсатмасисиз қўлланишлари натижасида ўзларига-ўзлари жабр қиладилар.

Ўзбошимчалик билан даволаниш кейинги пайтда тез-тез учрамоқда. Аҳоли орасида антибиотиклар ҳамма касалликларни даволаш учун универсал дори деган фикр мавжуд. Қизиғи шундаки, кўпчилик кишилар врачлик маълумоти бўлмаган ҳолда ўзларининг тайиш-билишларига медицина маслаҳатини берадилар. Биров врач маслаҳатига кўра бирон бир дори билан жуда яхши даволанган бўлса, бошқа биров журналда таниқли профессорнинг янги препарат тўғрисидаги мақоласини ўқиб даволанади. Ҳар қандай касалликни даволашда тайёр ва ягона рецепт бўлмайди. Врачларнинг ҳам саньати шундан иборатки, улар касалликни эмас, балки беморни даволайдилар. Билмасдан дори қабул қилиш бирор касалликка олиб келиши мумкин.

Ҳар бир антибиотик ўзига сезувчан бўлган айрим группа микробларгагина маълум бир миқдорда таъсир қилади. Препарат назоратсиз қабул қилинганда эса албатта керакли концентрация бузилади, натижада организмда шу антибиотикка нисбатан турғун бўлган микроорганизмларнинг тури пайдо бўлади. Бундан ташқари микроорганизмларнинг, яъни касаллик қўзғатувчиларнинг антибиотикка ўрганиб-мослашиб қолиши ҳам мумкин. Ўзбошимчалик билан даволанмоқчи бўлганлар антибиотикларнинг қанчалик кучли таъсирчанлигини ва уни киши организмини зарарлантиришини билмайдилар. Масалан, назоратсиз ва узоқ муддатда стрептомицинни қабул қилиш кўпинча эшитиш асабининг зарарланиши натижасида тузатиб бўлмайдиган карликка олиб келади. Бундан ташқари стрептомицининг узоқ ва назоратсиз ишлатиш буйракни ҳам шикастлайди.

Афсуски, баъзи дорихона ходимлари айрим кишилар илтимосига лоқайдлик билан қараб, рецептсиз антибиотиклар, сульфаниламид препаратлари, гормонал дорилар ва бошқа кучли таъсир этувчи дориларни бериб юборадилар.

Ҳозир бутун дунё миқёсида беморлар антибиотикларни кўтараолмаслиги жуда кўплаб қайд қилинмоқда. Бу турли аллергик реакциялар беради. Шу сабабли врач беморга антибиотик тавсия қилишдан олдин унинг организмини шу антибиотикка нисбатан сезувчанлигини текшириб кўриши лозим.

Кейинги йилларда гормонал препаратлар турли аллергик ва яллиғланиш касалликларини даволашда кенг қўлланила бошланди. Шуни билиш муҳимки, улар оддий фармакологик дорилар бўлибгина қолмай, айни вақтда киши организмида ички секреция безлари орқали ишлаб чиқариладиган ва нормада жуда оз миқдорда қонга ўтиб турадиган моддалардир. Шундай микроскопик миқдорда бўлса ҳам улар юқори самара беради. Гормонларни яхшиси касалхона ёшароитида врач назорати остида қабул қилиш керак.

Сульфаниламид дорисининг назоратсиз ишлатилиши ва унинг хавфлилиги ҳақида жуда кўп ёзилган. Аммо, баъзан ҳозиргача врач тавсиясисиз уни қўлланиш давом этмоқда.

Йилдан-йилга кишилар саломатлигининг яхшиланишида ва узоқ умр кўришида дори-дармонларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Лекин шунга қарамай, Парацельснинг дори ҳам шифо, ҳам заҳар деган сўзларини ҳамиша ёдда тутиш керак. Шакарнинг ҳам ози ширин!

Э. ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги дорихоналар Бош бошқармасининг бошлиғи, фармацевтика фанлари кандидати.

ОНА ЕР МАДҲИ

ТАҚРИЗ

Ўзининг бир неча шеърий мажмуалари билан китобхонлар эътиборини қозонган шоир Эркин Самандар яқинда нашр этилган тўпламига «Вафо деган гавҳар» деб сарлавҳа қўйибди.

Эркининг бундан аввал нашр этилган «Аму жилоларим», «Осмон тўла нур», «Севги фасллари» ва «Дунёнинг ёшлиги» тўпламларидаги каби мазкур шеърлар мажмуасида ҳам даврининг энг муҳим ва актуал муаммоларини камраб олишга интилиш борлиги кўзга ташланади.

Аслини олганда ҳаётий воқеаларга, тарихий ҳодисаларга, юрт ва элнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва порлоқ истиқболига, бошқача қилиб айтганда, заминга, замонга ва коинотга қарашда ҳар бир шоирнинг ўз диди, нуқтаи назари, фалсафаси бўлмоғи лозимдирки, бусиз шеър қофияланган сўзлар йиғиндиси бўлиб қолади.

Муаллифнинг мазкур тўпламига жамланган шеърий асарларида чуқур инсоний ҳиссиётлар, кишиларимизнинг ақлий ва ахлоқий фазилатлари ҳақида латиф шеърий тил билан ўз муайян услубида сўзлашга интилиш ёён кўзга ташланиб туради.

Эркин Самандар — ўйловчан ва изланувчан қалам соҳиби. Унинг шоирона қалби дунё товушларини, улкан ва ё жузъий ҳодисалар акс-садосини, инсон маънавий оламининг рангин товланишларини сергаклик билан тинглайди. Сўнгра уни бадиий идрок этиб, ўз ижодий корхонасида саралаб, ҳис-туйғулари мезонида ўлчаб, кейин бу борада китобхонлар билан фикрлашишга ошиқади. Бу жиҳатдан шоирнинг «Тўқсон дақиқа» шеърий туркуми жуда диққатга лойиқ.

Ўрни келганда эслатиб ўтиш зарурки, кейинги пайтларда кўпгина шоирларимиз ижодида туркум шеърлар яратишга интилиш майллари аён кўзга ташланмоқда. Устозлар бисотидан ўрганиб, ижодий ўрнак ва намуна олган Эркин Самандар ҳам шеърий туркумда яхшигина ижодий муваффақиятга эришди.

«Тўқсон дақиқа» — баҳор ва ёшлик ҳақида, севги ва садоқат бобида битилган ўтли қасида дейиш мумкин. Туркум ҳар бири саккиз мисрадан иборат эллик тўрт банддан ташкил топган.

Бироқ, ҳар бир ёш қалам соҳибида бўлганидек, Эркин шеърларида ҳам баъзан ортиқча суҳанбозлик, ғўр мисралар, мантиқий интиҳосига етмай қолган фикрлар ва шеваличикка мойиллик нуқсонлари мавжуд. Ўйлаймизки, собитқадамлик билан камолот сари интилаётган ёш ижодкор юқорида тилга олинган нуқсон ва камчиликларни аста-секин бартараф қила олиши турган гап.

М. ЗОКИРОВ,
филология фанлари кандидати.

„Совет Ўзбекистони"да босилгач...

«МЎЙЛОВЛИ ҚОЧОҚ»

Газетамизнинг шу йил 21 сентябрь сонида (юқоридаги сарлавҳа билан) босилган танқидий мақолада «Узглавмедхозснаб» республика базасида шофер бўлиб ишловчи Мирусмон Содиқов машинаси билан «Москвич» автомашинасини ва икки кишини йўлда уриб кетиб, жиноятдан қочиб юргани, сўнгра Октябрь район прокуратураси ходимлари томонидан қўлга олингани хабар қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигидан қуйидагича жавоб олинди:

Мақола «Узглавмедхозснаб» республика базаси ишчи-хизматчилари ҳамда «Узглавмедхозснаб» бошқармаси масъул ходимлари ўртасида атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда сўзга чиққанлар жиноятини хас-пўшламоқчи бўлган М. Содиқовнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ қораладилар. Бошқарма қарори билан автотранспорт устидан тегишли контроль ўрнатмагани учун база директори А. Пўлатов ва автомеханик Абдурахмоновлар ишдан олиб ташланди.

Йиғилишда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш каби муҳим масалалар доимо диққат марказида бўлиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

«ТОВУҚЛАР ТИЛГА КИРДИ»

Газетамизнинг шу йил 29 июль сонида юқоридаги сарлавҳа билан фельетон босилиб, унда республикамиздаги бир қатор парранда чилик фабрикаларида юз бераётган камчиликлар очиб ташланган эди. Ўзбекистон ССР парранда чилик саноати бошқармасидан редакцияга маълум қилишларича, фельетонда келтирилган фактлар бошқарма Советида кенг муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Жиддий камчиликларга йўл қўйилган, маҳсулот сифати ва меҳнат интизоми устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги учун Самарқанд, Андижондаги 2, Каттақўрғон, Бўстонлиқ парранда чилик фабрикаларининг директорлари Х. Раҳимов, Б. Аҳмедов, Н. Ҳакимов, М. Валишнинларга «Узптицепром» бошқармаси Советининг қарори билан выговор берилди. «Узптицепром» бошқармаси хўжаликларида ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштириш, сифатини яхшилаш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди.

СИФАТ КОМИССИЯСИ ТУЗИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 6 октябрь сонидаги «Хом пахта тарози босмайди» сарлавҳали танқидий хабарда Бухоро районидаги айрим колхозлар пахта тозалаш заводига баъзан хом пахта топшираётгани танқид қилинган эди.

Бухоро район партия комитетидан олинган жавобда таъкидланишича, танқидий хабар райкомнинг кенгайтирилган бюроси йиғилишида муҳокама қилинган. Барча хўжалик раҳбарларига бундан кейин хом пахта топширмаслик уқтирилган. Ҳосилнинг сифати устидан назоратни кучайтириш мақсадида мутахассислардан иборат Сифат комиссияси тузилган. Бу комиссия аъзолари ҳозир пахта нобудгарчилигига қарши кенг кўламда иш бошлаб юборганлар.

И. Глауберзон фотоси.

АХБОРОТ

ТОШКЕНТ

ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

Тошкент политехника институтининг 29-ётоқхонасида студентлар ҳисоблаш маркази очилди.

Ўзбекистон бадиий фондига қарашли халқ амалий санъати Тошкент экспериментал ижодий комбинати усталари совғабоп буюмлар ишлаб чиқаришни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Суратда: комбинатнинг илғор рассомларидан Мавжуда Жунайдуллаева.

Ҳисоблаш маркази «Наири» ва бошқа маркадаги электрон-ҳисоблаш машиналари билан таъминланди. Студентлар бу ерда ўзларининг ҳар хил ҳисоб ва масалаларни электрон машиналар ёрдамида бажарадилар. Мазкур марказда кафедранинг тажрибали профессор-ўқитувчилари қизиқарли ва мазмунли консультациялар ўтказсалар, лаборантлар эса навбатчилик қилишади. Шунисси қувонарлики, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ўнинчи беш йилликда Студентлар шаҳарчасида олий ўқув юртларираро йирик ҳисоблаш маркази, техника кутубхонаси ва ўқув-ҳисоблаш зали қуришни кўзда тутмоқда.

— Биз, — дейди Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари М. Султонов, — институтларимизни янги, энг сўнгги нусхадаги йирик электрон-ҳисоблаш машиналари билан таъминламоқдамиз.

Охирги икки-уч йил ичида Тошкент политехника институти ва Тошкент давлат университети ҳисоблаш марказларни учун «ЕС-1020» каби машиналар олинди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, Самарқанд архитектура ва қурилиш, Тошкент халқ хўжалиги институтлари, Нукус давлат университети, Фарғона политехника, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтлари ҳам турли маркадаги йирик электрон-ҳисоблаш машиналари билан таъминландилар.

М. МАВЛОНОВА,
инженер-экономист.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Тошкентдаги Йўлдош Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси коллективи Улуғ Октябрнинг 59 йиллиги байрамини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун юксак меҳнат активлиги кўрсатиб ишламоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларидан руҳланган ишчи ва хизматчилар съездлар йили планини байрамгача бажариш мажбуриятини олишган.

Маҳсулот сифатини янада яхшилаш, миқдорини ошириш йўлидаги тинимсиз ҳаракат туфайли фабрика ишлаб чиқаратган йигирма хил маҳсулотдан тўрттаси давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлди. Булардан капра ва болалар қулоқчини харидорларга жуда манзур бўлмоқда. Яна уч хил маҳсулот давлат Сифат белгисини олиш учун тақдим қилишга тайёрланяпти. Бу ишларни амалга оширишда Екатерина Пак бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси айниқса ғайрат кўрсатмоқда. Мунира Набиева, Гулчехра Абдураҳмонова каби меҳнатсевар ёшлар 1977 йилнинг январь-февраль ойлари ҳисобига маҳсулот тайёрламоқдалар.

— Яхши интизом ва иш вақтидан унумли фойдаланиш ҳисобига бу йил 5 миллион 760 минг сўмлик ўрнига, — дейди фабрика бошлангич партия ташкилотининг секретари Сайёра Бўтахўжаева,—6 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олганмиз. Бешинчи ноябргача сўзимизнинг устидан чиқишга қатъий аҳд қилганмиз. Бу бизнинг Улуғ Октябрнинг 59 йиллигига муносиб совғамиз бўлади.

Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
ТошДУ студенти.

ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН РУҲЛАНИБ

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан руҳланган Тошкентдаги кўн-галантерея фабрикаси коллективи социалистик мусобақада яхши натижаларга эришмоқда. Корхонада ўн ойлик ишлаб чиқариш плани барвақт бажарилди. Бу ютуқда 1977 йил август-сентябрь ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётган Р. Набиева, Ф. Турсунова, З. Стенникова каби зардоб ишчиларнинг муносиб улуши бор.

— Фабрикамизнинг аҳил коллективи, — дейди корхона директори М. Ҳамиджонов, — йиллик планни 1 декабргача бажариб, пландан ташқари 400 минг сўмлик, маҳсулот тайёрлаш учун курашмоқда.

А. НАБИЖЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи муҳбири.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/Х да **Чио-Чио-Сан**, 28/Х да **Жизель**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/Х да **Тинмасин соз**, 28/Х да **Ўн саккиз ёшлигим** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО** раҳбарлигида йирик иллюзион ревю гастроллари (19,30).

Кино

Қирол Нью-Йоркда — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 13, 17, 18, 19, 21), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Алиса энди бу ерда яшамайди — «МОСКВА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жаҳон бўйлаб 80 кун — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Робин Гуднинг камон ёйлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Ғолиб — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Раисининг ўғли — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Халқ романи — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Ғалати қиз — «ҚОЗОҒИСТОН» (14, 15, 20).

●

Т. Г. ШЕВЧЕНКО НОМЛИ НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: математик анализ, немис тили (доцентлар, фан кандидатлари);

қорақалпоқ тили профессори (филология фанлари доктори);

кафедра катта ўқитувчилари: экспериментал физика, химия (фан кандидатлари);

кафедра ўқитувчилари: умумий математика (2 ўрин), жисмоний тарбия, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси.

Конкурс муддати — 13 ноябрга.

Мурожаат учун адрес: Нукус шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

●

ҲАМЗА, ФРУНЗЕ, ЛЕНИН ВА СЕРГЕЛИ РАЙОНЛАРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 40 «а»-уйда рангли тасвирли телевизорларга техника ва гарантия хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича

«ЦВЕТ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕЛЕВИЗИОН АТЕЛЬЕ ОЧИЛДИ

ТЕЛЕВИЗОРНИ ТУЗАТТИРИШ УЧУН ҲАМДА РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИ ЭТИБ БЕРИШ УЧУН СОАТ 8.00 ДАН 20.00 ГАЧА 53-75-91 ТЕЛЕФОНИ БУЙИЧА БУЮРТМА БЕРИШИНГИЗ МУМКИН.

Тошкент шаҳар «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

●

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

27 октябрь ва 1 ноябрь соат 19.00 да

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

ФУТБОЛ

27 ОКТЯБРДА

КУЗБАСС (Кемерово) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент)

1 НОЯБРДА

«ЗВЕЗДА» (Пермь) — **«ПАХТАКОР»** (Тошкент).

Билетлар сотилмоқда.

ШОИРНИНГ ЖАНГОВАР ШУҲРАТИ

Шоир Зоҳиджон Обидов Улуғ Ватан уруши жангоҳларидан ўтган ҳамқўрлари жасоратларининг шеърий йилномасини яратди. У солдат бўлган ўнлаб болалар қисматини тараннум этган бўлса-да, ўзини «унутганди». Лекин ҳамқўрлари тўғрисидаги шеърларида ўзининг тақдири ҳам акс этган.

У 1941 йилнинг июнида чақирилиш ёшига етмаган шундай болалар билан бирга ҳарбий комиссариат остонасидан нари кетмаганди. Ниҳоят, муродига етиб, солдат формасини кийди. Олти ой полк мактабида машқ кўрган тошкентлик йигит ўз бўлинмаси билан Онега кўли орқали Ленинград сари йўл олди.

Кўп суронлар ўтди. Ҳар жангдан сўнг катта сержант Зоҳиджон Обидов ҳали замон ёнида бўлган йигитларидан жудо бўлиб бораверди. 1942 йилнинг 25 декабри бир ўмр унинг ёдида қолди. Ўшанда совуқ ўттиз даража эди. Навбатдаги жангдан кейин душманни улоқтириб ташлаган солдатлар хордиқ чиқаришарди. Эрта тонгда фашистлар яна ҳужум қилиб қолишди. Олишув найзабозлик жангига айланди...

Зоҳиджон Обидов госпиталда кўзини очди. Уни кўпни қисмнинг санитарлари жангоҳдан олиб чиқишган эди. Қўйинг-чи, чап оёқни кесиб ташлашга тўғри келди. Госпиталма — госпитал даволаниб юрганида уйдагилар қора хат олишибди... Хуллас, «ўлиб тирилган» ўғил уйига кириб келди.

Солдат тинч ҳаётда ўз ўрнини излай бошлади. Зоҳиджон Обидов мактабда ўқиб юрганидаёқ шеъриятга майл қўйган, илк машқ шеърлари ўша вақтларда газета саҳифасини кўрганди.

— Фронтдан қайтиб келганимдан сўнг кўрганларимни айтиб беришга, қаҳрамонларни тараннум этишга ўзимда қаттиқ эҳтиёж сездим, — дейди шоир.

Солдат Тошкент Давлат университетининг филология факультетини аъло баҳолар билан тугатди. 1948 йилда чоп этилган биринчи шеърларини Ленинградга бағишлади. Ўшандан бери унинг 15 та шеърий тўплами босилиб чиқди. Шоирнинг жонажон диёр бўйлари уфуриб турган сатрлари уруш суронларига оид шеърлари билан пайваста бўлиб кетди. Жанговар эпизодлар ёнида замондошлар меҳнат зафарларининг манзаралари пайдо бўлди.

Зоҳиджон ака сўнгги жангдаги жасорати учун мукофотланганлигини билмасди. Яқинда республика ҳарбий комиссариати СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Зоҳиджон Обидовга III даражали Шуҳрат орденини топширди. Бу — шоирнинг еттинчи мукофотидир. Адабиёт соҳасидаги хизматлари учун эса унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилган.

Р. СОҲИБОВА,
ЎзТАГ мухбири.



Шу кунларда Бухоро областида Конимех насос станцияси жадал суръатлар билан қурилянти. У битгач Конимех ва Навоий районларидаги 14 минг гектар янги ерларни суғориш имконияти туғилади. Қурилишда шу кунгача 5 минг куб метрдан знёд темир-бетон ётқизилди. 400 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди.

Суратда: қурилишнинг кўриниши.

Б. Мўминов фотоси (ЎзТАГ).

ҲАР ТУҒРИДА

ҚУМТЕПАЛАР ИЗИДАН

Олимлар Қорақум чўлидаги қумтепалар қандай жилишини аниқлаш учун Туркманистоннинг шарқида тажриба қилиб кўрдилар. Қумтепалар ёзда Жануб сари, қишда эса Шимол сари йилига ўртача уч метр тезликда ҳаракат қилар экан. Муайян қум зарралари шамол таъсирида 15 йилда бир марта юзага кўтарилиб, орадан тахминан 6 соатлар ўтгач яна қумтепа бағрига кириб кетар экан. Олимлар ҳар бир миллион қум заррасидан юзта зарра доимо ҳаракатда бўлишини ҳисоблаб чиқдилар. 20 метр қалинликдаги гряда остидаги қумтепа... 3000 йил чамаси қўзғалмай ётиши шу тахлитда аниқланди.

Шу маълумотларнинг ҳаммаси олимлар Қорақум чўлидаги ҳозирги рельеф ҳосил бўлиш мураккаб манзарасини яхшироқ тиклашларига ёрдам беради. Лойиҳачилар янги шаҳар ва посёлкалар, саноат объектлари ва қишлоқ хўжалиги объектларини қум босишдан сақлаш учун тузукроқ жой танлаб олиш имкониятига эга бўладилар.

ҒОР — «ХОЛОДИЛЬНИК»

Псков областидаги Печори шаҳрида сабзавот ва ҳўл мева сақлаш учун... ғор ковланди. Қурувчилар тоғ бағрида ковлаган йўлакнинг икки томонига олтита «кўча» кетади. Шу жойларга юзлаб тонна олма, сабзи, лавлаги, карам ғамлаб қўйилди. Ғорда мақбул микроиқлимни сақлаб туриш учун қиммат турадиган қурилмалар йўқ, лекин ярим йилдан кейин ҳам сабзавот ва мевалар янгилигича тураверади. Табиатнинг ўзи бунинг афолатини олади.

Бу ерларда машҳур ғорларнинг ажойиб хусусияти ерости омбори ковланишига сабаб бўлди. Бу ғорларда қишинёзин, кечаю-кундуз доимо 5 даража иссиқлик сақланади. Ҳавонинг намлиги ҳам бир маромда туради. Бу ерда жуда кўп ер ости «холодильниклари» барпо этилади. Уларни қуриш анъанавий сабзавот омборларини қуришга нисбатан 10 баравар арзонга тушади. Шу йилнёқ яна бир ғор-«холодильник» қурила бошланди.

(ТАСС).

«ОРОМ» ПАРВОЗДА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ижтимоий касблар факультети қошида «Ором» халқ рақс ансамблининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо «Ором» тезда ўз муҳлисларининг ҳурматини қозонишга муяссар бўлди.

1976 йил учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига тақдим этилган коллективлар орасида «Ором»нинг ҳам борлиги қувончли қолдиқ.

«Ором»нинг ютуқлари ҳақида ижтимоий касблар факультети декани, ансамбль ташкилотчиларидан бири ва бадиий раҳбари Нодира Фаттоевна Шихбалова қуйидагиларни ҳикоя қилади:

— «Ором»га СССР қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларида барпо этилган ижтимоий касблар факультетлари Бутуниттифоқ кўригига тайёрларлик кетаётган кунларда асос солинган эди. Ансамблга 25 студент жалб қилинди, уларга ўзбек халқ миллий рақслари ўргатилди.

Рақкоса қизларимизнинг тиришқоқлиги, айни вақтда талант эгаси ҳам эканликлари, Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Ҳамроева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» Давлат халқ ансамбли раҳбари, СССР халқ артисти Мукаррама Тургунбоева, «Баҳор» қизларининг катта ёрдами туфайли қисқа вақт ичида ташкилий ишларни йўлга қўйиб олдик.

1973 йил апрель ойида институтимизда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари ижтимоий касблар факультетларининг эонал кўригида «Ором» жюри аъзолари ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди, ўн беш олий ўқув юрти бадиий ҳаваскорлик ансамбллари орасида ўз таланти ва маҳорати билан кўрикнинг биринчи даражали дипломи ҳамда кўрик лауреати унвонини олди. Бу илк муваффақият ансамблга қанот бағишлади. Бутуниттифоқ кўригида гўзал рақслари билан барчани маҳлиё қилди. Кўрикнинг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди ҳамда қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари Бутуниттифоқ кўриги лауреати бўлди.

Ансамбль бир неча бор Ватанимиз пойтахти Москвада концерт программалари билан қатнашди. «Етти гўзал», «Кўнгил таронаси», «Дил куйласин» ва бошқа қатор рақслар ўзининг дилраболиги, жозибалиги ва ўзига хос мафтункорлиги билан дилларни хушнуд қилди. Ўзбек миллий ва Шарқ халқларининг куй ва қўшиқларини, рақсларини эҳтиётқ ва маҳорат билан ижро этганлиги учун ансамбль Ўсимликларни ҳимоя қилиш халқаро конгрессининг медали билан мукофотланди. «Ором» Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик ансамбларининг учинчи кўрик-фестивалида ҳам катта муваффақият қозонди.

Ансамбль бир қатор корхона, ташкилот, колхоз ва совхозларни ўз оталиғига олиб, ўз концерт программалари билан улар ҳузурида тез-тез меҳмон бўлади. Эндиликда ансамбль коллективи янги, талантли ёшлар ҳисобига ўз сафини кенгайтириш билан бирга бой репертуарга ҳам эга бўлмоқда.

ЧИҚИТДАН «ГИЛАМ»

«Узбекторсирьё» трестига қарашли «Труд» фабрикасида линолеумга ишлатиладиган қўшқават материал ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу маҳсулотнинг биринчи туркуми Оҳангарон қурилиш пластмасса комбинатига юборилди. У ерда юмшоқ линолеум тайёрлаб чиқарилади.

Шунгача линолеумнинг материали бир қаватли бўлиб, Навоий химия комбинати нитрон цехининг чиқитларидан ишланарди. Лекин у ерда технология такомиллаштирилиши муносабати билан чиқитда нитрон миқдори жуда камайиб кетди. Аммо, бу нарса юмшоқ линолеум тайёрлаш ҳажмига таъсир қилмади, чунки «Труд» фабрикасининг ходимлари ёрдам бердилар. Улар ленинградлик ҳамкасблари орттирган тажрибага суяниб тикувчилик саноати чиқитларидан ва эски-тускидан табиий юнг «тиклашни» йўлга солдилар. Эндиликда линолеум ясашга икки баравар кам — фақат бир қават юпқа синтетика ишлатилмоқда, иккинчи қаватига эса «тикланган» юнг материал кетмоқда. Шундай қилиб маҳсулот таннархи арзонлашди. Фабрикада янги материал ишлаб чиқарадиган алоҳида участка барпо этилди. (ЎзТАГ).

ЯХШИ СЎЗ ~ ЖОН ОЗИҒИ

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Инсон одоби — жуда кенг тушунчадир. Одобнинг турлари кўп бўлиб, муомала одоби, меҳмон ва мезбон одоби, салом одоби, кулги одоби, кийиниш одоби ва ҳоказолардан иборат. Инсон одобининг ўзига хос қоида ва шартлари мавжуд бўлиб, буларни мукаммал эгалламаган ва унга амал қилмаган киши мукаммал одобли бўлолмайди. «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси қошидаги жамоатчилик асосида ишлайдиган ахлоқ ва одоб масалалари бўйича кенгаш аъзоси, шахсий пенсионер Ансафхон АШРАФХОНОВнинг ушбу мақоласида муомала одоби хусусида фикр юритилади.

ИНСОН яхшилик ва эзгуликни ҳаётдан ўрганади, яна ҳаётга қайтаради. Муомала маданияти ҳам миқоллардан тўпланган обрў каби кундалик икр-чиқир одатлар йиғиндисидан иборатдир. Бу одатлар катта фазилатлар даражасида етилиб, кишилар билан ўзаро муносабат, алоқа ва ҳамжиҳатликда қўл келади, инсон маънавий дунёси, одоб ва ахлоқнинг кўрки сифатида амал қилинади.

Муомала — одамларни бир-бирига боғловчи, асрлар мобайнида кишиларнинг маънавий юксалиш салоҳиятини кўрсатувчи дил ойнаси ҳисобланади. Унда кишининг ё маданий туйғулари, одоб ва ахлоқ тушунчаларининг кўркамлиги акс этади, ё руҳий қашшоқлик ва ахлоқий дағаллик зикр этади.

Заррача нохушликдан кўнгил ойнаси хира тортиши, ўйламай айтилган бир оғиз сўз вужудингни остин-устун қилиши мумкин.

Инсонинг муомала маданияти ҳаёт каби серқирралидир. Беморни кўриб келишдек оддий бир воқеани олайлик. «Бугун чеҳрангиз ёруғ» дедингиз бемор қошига келиб. Унинг кўзларида нур ўйнайди. Беморнинг кўнгил сўраш қанчалик одоб ва муомала маданиятидан дарак бермасин, лекин унинг қошида узоқ қолиб кетиш, олди-қочди гапларни беморга ҳикоя қилиш ёки бефаросат тарзда қаттиқ кулиб, шовқин кўтариш маданиятсизликдир.

Эшикдан йўқлаб келган ҳар бир кишини ҳар қандай вазиятда ҳам самимий қарши олишга интиламиз. Ёки қўшнимиз нимадир сўраб чиқди, бўлса молим, бўлмаса жоним қабилида қўшни кўнглини кўтаришга уринамиз. Аммо гоҳо бошқача муомалалар, мулоқотларга ҳам қулоққа чалиниб туради.

Айтайлик, бир аёл хизматдан қайтди. Кечки овқат тараддудида. Яна ўйларни йиғиштириб олиш нияти ҳам бор. Шу орада қўшни хотин чиқиб қолди. Одоб юзасидан уни кутиб олди. Қўшни эса хизматчи аёлнинг вақти билан ҳам, кайфияти билан ҳам ҳисоблашмай, кун бўйи кўнглига тугилиб ётган тугун чигалини бир бошдан еча бошлади. Ҳамсуҳбатнинг раъйига қарамай, у шошилиптими, гапни эшитишга ҳоҳиши борми, йўқми, йўл устида уни ҳуда-беҳуда ушлаб, гапни чуватиш одобсизликнинг нишонасидир.

Шу хусусда А. Фирдавсий шундай дейди:

Кимки кўп сўзлайди бешарму ҳаё
Тополмас иззату обрў эл аро.

Бир аёл танишини учратиб, унга дилидагини тўкиб солди. Таниши эса унинг ҳасратини сиртига ҳам юқтирмай, бепарво йўлида кетиб борарди. Ахир, у одам сизни ўзига яқин олиб дардлашди, кўнглини ёзди. Нақотки, бисотингизда кўнгил кўтарадиган икки оғиз сўз топилмаса?! Бировнинг дардига, тақдирига нисбатан совуққонлик, бепаролик — ёмонлик ва ҳудбинликка қиёсдир.

Киши ўз хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларига талабчан бўлса, вақти-вақти билан ўз ҳулқи, одоби, кишиларга бўлган муомаласи хусусида ўз-ўзига ҳисоб берса ёки фалон учрашувда ўзимни қандай тутдим, фалон сўзимни бошқа майнироқ, чиройлироқ қайси сўз билан алмаштирсам бўларди, деб бош қотирса, ўша мос сўзни топса, нур устига аъло нур бўларди.

Саъдий Шерозий айтганидек,

Сен ўзингни агар қойиб билсанг хўп,
Бошқалар қойишин эшитмайсан кўп.

Кишининг кимлиги, ҳулқ-одоби, маданияти, кўпчилик орасида айниқса кўзга тез чалинади, Баъзида кўпнинг даврасида ўтириб, заруратсиз ҳолда шу кўпчиликка тушунарли бўлмаган тилда гаплашиш ҳоллари ҳам бўлади. Ёнидаги кишига орқа ўгириб бошқа бир киши билан суҳбатлашиш, транспортга чиқаётганда олди-орқага қарамай, ёш-қарини туртиб ўтиш ёки бир вагон одам эътиборини ўзига тортиб шанғиллаш каби ҳатти-ҳаракатлар нақадар хунук одобсизликдир.

Муомаладаги нозиклик ва қўполлик бир томондан кишиларнинг характери, кайфиятига боғлиқ бўлса, уларнинг бир-бирларига бўлган эътибор ва эътиборсизликларига ҳам боғлиқ. Қимгадир эътибор қилдингиз, эътибор бермади ёки кимгадир билдирган иззат-иқромингизни қадрламади. Кимдир кимнингдир оромини бузди, лекин бир оғиз кечирим сўрамади. Кўзингиз сиз билан суҳбатлашаётган кишида-ю, ҳаёлингиз бошқа ёқда. Бировнинг гапини эшита туриб, газета варақлайсиз, тиш кавлайсиз, эснаб, керишиб оласиз. У ёқ-бу ёққа аланглайсиз. Булар ва шу жумладан сўзни бўлиш, гапга аралашиш, луқма ташлаш одобдан эмас.

Бир ҳонадоннинг дастурхони атрофида ўтириб, бошқа бир оила бекасининг пазандалиги, меҳмондўслигини мақташ ҳам шу ҳонадон бекасига билдирилган эътиборсизлик ва қўполликдир.

Ҳар бир аёл ўзига хос дид, фаросат билан, ўз шароити, имкониятидан келиб чиқиб, дастурхон тузайди. Меҳмон томонидан шу ҳонадон бекасига билдирилган назокатли эътибор — меҳмоннинг мезбонга билдирган миннатдорчилигининг гўзал ифодасидир.

Хушмуомалалик, самимият, ҳурмат — кишилар орасидаги илиқлик, меҳр-муҳаббат ва дўстлик кўпригини қуради. Муомала одоби кишида энг яхши ҳислатларни тарбиялайди, камол топтиради. Шунинг учун ҳам дилкаш, хушгап кишилар билан суҳбатлашиш ҳам, меҳмонда ёнма-ён ўтириш ҳам, кўпни бўлиш ҳам, қўйинг-чи, бир нафас ҳамроҳ бўлиш ҳам мароқли, ҳам ёқимлидир.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

«ОРОМ» ПАРВОЗДА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ижтимоий касблар факультети қошида «Ором» халқ рақс ансамблининг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо «Ором» тезда ўз муҳлисларининг ҳурматини қозонишга муяссар бўлди.

1976 йил учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига тақдим этилган коллективлар орасида «Ором»нинг ҳам борлиги қувончли қолдиқ.

«Ором»нинг ютуқлари ҳақида ижтимоий касблар факультети декани, ансамбль ташкилотчиларидан бири ва бадиий раҳбари Нодира Фаттоевна Шихбалова қуйидагиларни ҳикоя қилади:

— «Ором»га СССР қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларида барпо этилган ижтимоий касблар факультетлари Бутуниттифоқ кўригига тайёрларлик кетаётган кунларда асос солинган эди. Ансамблга 25 студент жалб қилинди, уларга ўзбек халқ миллий рақслари ўргатилди.

Рақкоса қизларимизнинг тиришқоқлиги, айни вақтда талант эгаси ҳам эканликлари, Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Ҳамроева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» Давлат халқ ансамбли раҳбари, СССР халқ артисти Мукаррама Тургунбоева, «Баҳор» қизларининг катта ёрдами туфайли қисқа вақт ичида ташкилий ишларни йўлга қўйиб олдик.

1973 йил апрель ойида институтимизда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари ижтимоий касблар факультетларининг эонал кўригида «Ором» жюри аъзолари ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди, ўн беш олий ўқув юрти бадиий ҳаваскорлик ансамбллари орасида ўз таланти ва маҳорати билан кўрикнинг биринчи даражали дипломи ҳамда кўрик лауреати унвонини олди. Бу илк муваффақият ансамблга қанот бағишлади. Бутуниттифоқ кўригида гўзал рақслари билан барчани маҳлиё қилди. Кўрикнинг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди ҳамда қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари Бутуниттифоқ кўриги лауреати бўлди.

Ансамбль бир неча бор Ватанимиз пойтахти Москвада концерт программалари билан қатнашди. «Етти гўзал», «Кўнгил таронаси», «Дил куйласин» ва бошқа қатор рақслар ўзининг дилраболиги, жозибалиги ва ўзига хос мафтункорлиги билан дилларни хушнуд қилди. Ўзбек миллий ва Шарқ халқларининг куй ва қўшиқларини, рақсларини эҳтиётқ ва маҳорат билан ижро этганлиги учун ансамбль Ўсимликларни ҳимоя қилиш халқаро конгрессининг медали билан мукофотланди. «Ором» Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик ансамбларининг учинчи кўрик-фестивалида ҳам катта муваффақият қозонди.

Ансамбль бир қатор корхона, ташкилот, колхоз ва совхозларни ўз оталиғига олиб, ўз концерт программалари билан улар ҳузурида тез-тез меҳмон бўлади. Эндиликда ансамбль коллективи янги, талантли ёшлар ҳисобига ўз сафини кенгайтириш билан бирга бой репертуарга ҳам эга бўлмоқда.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 11.15 — Жон Рид. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 12.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.15 — М. Рильский ижоди. 16.00 — Телеочерк. 16.30 — **Еттидан ўн иккигача** (бадиий фильм). 17.45 — Фан оламида. 18.15 — Горичлар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.30 — Сўз — олимларга. 19.45 — Жаҳон халқларининг ижоди. 20.15 — «Спортлото» тиражи. 20.25 — Ливаннинг ташвиш ва умидлари (ҳужжатли фильм). 20.55 — **Бу қулоқсиз ўғиллар** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — Химия. 18.30 — Мультфильм. 18.35 — Қизил галстук. 19.05 — Сенинг орденларинг, комсомол (ҳужжатли фильм, 3-серия). 19.30 — КПСС XXV съездининг социал-иқтисодий, сиёсий ва назарий проблемалари. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Ўзбекистон — Озарбайжон мусобақалашмоқда. 20.30 — **Футбол:** «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «КУЗБАСС» (Кемерово). 2-тайм. 21.15 — **«Ахборот».** 21.35 — Ёзувчилар — пахтакорларга. 22.00 — **«Вақт».** (Москва). 22.30 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.45 — Н. Мирошниченко. **«Оқ қушни эҳтиётланг!»** (телетеатр, 3-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.15 — Немис тили. 19.45 — Ўқитувчи экрани. 20.15 — Концерт. 20.45 — Тошкент янгиликлари. 21.00 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.30 — Олий математика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Т. Ҳасанов ва Т. Муллажонов ижросида концерт. 9.30 — «Партиямизни шарафлаймиз». Концерт. 11.15 — О. Жуманазаров. «Оммани ташкилотчиси» (очерк). 11.30 — Ҳазил кўшиқлар. 12.10 — «Узбекистан» индустриальный». 13.00 — «Донгдор сут соғувчи». (Радиоҳикоя). 13.30 — Новелла Матвеева қўшиқлари. 16.10 — «Музикали учрашув л а р». 18.30 — Спорт эшиттириши. 19.00 — МОСКВА. **«Миллионлар ленинча университети.** 19.20 — Куйлардан қўшиқларга. 20.30 — **Футбол:** «ПАХТАКОР» — «КУЗБАСС» (Кемерово). 21.15 — Татар куйлари. 22.00 — **Пахта далаларининг меҳнатчилари учун концерт.** 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — «Шеърият кечаси». 23.15 — Дам олиш концерти.

Об-ҳаво

Бугун Ўзбекистон областларида ҳавонинг кам булутли келиши кутилади. ҚҚ АССР ва Хоразм областининг айрим районларида ёғингарчилик бўлади. Жанубий-шарқдан эсаётган шамолнинг йўналиши шимолий-ғарбга ўзгариб, тезлиги секундига 7-12 метрга етади. Жойларда шамолнинг тезлиги секундига 15 метрга етиши мумкин. Ҳарорат 11-16, жанубда 20-22 даража атрофида бўлади. ҚҚ АССР ва Хоразм областида иссиқ 2-7 даражадан ошмайди.

Тошкентда ҳаво булутли келсада, айтарли ёғингарчилик бўлмайди. Кундузи бир оз ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан эсаётган шамол йўналиши ғарбга ўзгариб тезлиги секундига 5-10 метрга етади. Кундузи 16-18, кечаси 10-12 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси коллегияси Республика қурилиш-монтаж трестининг бошқарувчиси А. Умаровга отаси

Умарали БОБОРАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети коллективи республика радиосининг катта редактори С. Ҳидоятовга онаси

Ойша УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи илмий ходим Д. Абдураҳмоновга онаси

Ойтўра ИМОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 13434. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. В. — 252.